

**«O'zagrosug'urta»
Акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдаги
йиллик умумий йиғилишининг
2019 йил 29-июндаги
49-сонли баённомаси билан**

ТАСДИҚЛАНГАН

**«O'ZAGROSUG'URTA»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ
(янги тахрирда)**

Тошкент шаҳри – 2019 йил

МУНДАРИЖА:

1. Умумий қоидалар.....	3
2. Жамиятнинг ҳуқуқий ҳолати ва жавобгарлиги.....	3
3. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсади.....	5
4. Жамиятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	6
5. Жамият устав капиталининг миқдори, уни кўпайтириш ва камайтириш тартиби.....	7
а) Жамият устав капиталини кўпайтириш.....	8
б) Жамият устав капиталини камайтириш.....	9
6. Жамият акцияларининг турлари ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби.....	10
7. Жамият акцияларини жойлаштириш тартиби ва шартлари.....	13
8. Жамият акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	14
9. Жамиятнинг захира фонди ва бошқа фондлари.....	17
10. Жамиятнинг бошқарув органлари.....	17
11. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши.....	18
12. Жамият Кузатув кенгаши.....	27
13. Жамият ижроия органи.....	33
14. Жамиятнинг тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати ва аудиторлик ташкилоти ва корпоратив маслаҳатчиси.....	38
15. Жамиятнинг ҳисоби ва ҳисоботи, ҳужжатларни сақлаш, йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби	40
16. Яқуний қоидалар.....	41

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «O'zagosug'urta» aksiyadorlik jamiyati (матн давомида “Жамият” деб номланади) ўз фаолиятини ушбу устав, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 февраль ПФ-1713-сонли Фармонига мувофиқ ташкил этилган. Жамият 1997 йил 26 март куни 947-сон реестр тартиб рақами билан Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтказилган.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

- Латин алифбосида: - «**O'zagosug'urta**» aksiyadorlik jamiyati;
- Кирил алифбосида: - «**Ўзагросуғурта**» акциядорлик жамияти;
- Рус тилида: - **Акционерное общество «Узагросуғурта»;**
- Инглиз тилида: - «**Uzagosugurta**» joint stock company.

1.4. Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

- Латин алифбосида: - «**O'zagosug'urta**» AJ;
- Кирил алифбосида: - «**Ўзагросуғурта**» АЖ;
- Рус тилида: - **АО «Узагросуғурта»;**
- Инглиз тилида: - «**Uzagosugurta**» JSC.

1.5. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 19-мавзе, 61/2. Индекс: 100156

1.6. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.agros.uz.

1.7. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@agros.uz.

II. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

2.1. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият чекланмаган муддатга тузилади.

2.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

2.4. Жамият ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига эга бўлади ва қисқартирилган фирма номига эга бўлиши мумкин. Жамият ўзининг

фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Жамият ўзининг номи ёзилган муҳр, штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.5. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.6. Жамият ўзининг юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли. Улар Жамият томонидан мол-мулк билан таъминланади ва Жамият тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб боришади.

2.7. Жамиятнинг филиаллари, ваколатхоналари ва агентлик шахобчалари фаолияти юзасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик Жамият зиммасида бўлади.

2.8. Жамиятнинг ваколатхона ва филиаллари раҳбарлари Жамият томонидан тайинланади ва Жамият ишончномаси асосида фаолият кўрсатишади.

2.9. Жамиятнинг ваколатхоналари ва филиаллари Жамиятнинг товар ва хизмат кўрсатиш белгиси туширилган муҳрга ва штампларга, иш юритиш қоғозлари (бланкалари)га эга бўлишга, банкларда ҳисоб варақлар очишга ҳақли.

2.10. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

2.11. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.12. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.13. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.14. Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.15. Жамият акциядорнинг ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига кўра уч иш куни ичида уларга Жамиятнинг устави, шу жумладан уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт.

Жамият акциядорнинг талабига кўра унга Жамият уставининг кўчирма нусхасини бериши шарт.

III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАҚСАДИ

3.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

3.2. Жамиятнинг асосий фаолият доираси мулкчиликнинг барча шакллари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, корхоналар, шаҳар ва қишлоқ жойларида яшовчи аҳоли мулкрий манфаатларининг суғурта ҳимояси ва молиявий-хўжалик фаолиятини мувофиқлаштириш, унинг самарали ишлашини ташкил этиш Жамиятнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

3.3. Ўз фаолиятининг мақсад ва вазифаларига эришиш учун Жамият қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

➤ мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона муассаса ва ташкилотлар шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, жисмоний шахсларнинг мулки ва маҳсулотини суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

➤ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятини ривожлантириш учун ажратиладиган кредитларни қоплаш мақсадида суғурта кафолатларини бериш;

➤ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқари ҳудудларда юридик ва жисмоний шахсларга умумий суғурта соҳаси (тармоғи) бўйича суғурта хизматларини кўрсатиш;

➤ қайта суғурталаш фаолиятини амалга ошириш.

3.4. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақли.

3.5. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари Жамият томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

IV. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Жамият қуйидаги ҳуқуқларга эга:

➤ минтақалараро ҳамкорликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

➤ хорижий корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;

- Республика ҳудудида ва ундан ташқарида филиаллар, ваколатхоналар, қўшма корхоналар ва бошқа янги корхоналарни тузиш ва таъсис қилиш;
 - ўқув марказлари билан ҳамкорликда шартномалар асосида малакали мутахассисларни тайёрлаш ишларини ўтказиш;
 - биргаликдаги фаолият шартномалари асосида Жамият ва унинг филиаллари ишига чет эл инвестицияларини жалб этиш;
 - Ўзбекистон Республикаси ҳамда ундан ташқари ҳудудларда юридик ва жисмоний шахслар билан барча турдаги битимларни амалга ошириш;
 - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчар ва кўчмас мулкни, мулкрий ҳуқуқларни ва ақлий мулкни мулк қилиб сотиб олиш, ижарага бериш ва олиш;
 - уюшмалар, иттифоқлар, консорциумлар, акциядорлик жамиятлари ва бирлашмаларига аъзо бўлиш;
 - белгиланган тартибда банкларда турли, шунингдек валюта ҳисоб рақамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ҳар қандай тўлов шакллари бериш ва акцептлаш, айирбошлаш тартибига асосан ваколатли банклар орқали ўз маблағларини айирбошлаш;
 - ўзининг ишлаб-чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш фондларини мустақил режалаштириш;
 - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида мустақил равишда ўз балансидан мол-мулк, қарз, камомад, бошқа зиёнларини чиқариш;
 - Жамият уставида белгиланган масалаларни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш-техник йўналишидаги маҳсулотлар, хом-ашё материаллар, транспортни сотиб олиш;
 - Танловларда (ким-ошди савдоларида, савдоларда) қатнашиш;
 - хомийлик ва хайрия фаолиятни амалга ошириш;
 - қонун ҳужжатларига биноан ўз ходимлари учун қўшимча меҳнат таътиллари, қисқартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёزلарни белгилаш.
- 4.2. Жамиятнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:
- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этмаслик;
 - Акциядорлар ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш;
 - Қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларга риоя қилиш.
- 4.3. Жамиятнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари Жамиятнинг тижорат сирини ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 4.4. Фаолият очиқлигини таъминлаш мақсадида Жамият ахборотларни махфий ахборотлар, тижорат сирлари ва акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этиши

мумкин бўлган бошқа маълумотлар тоифасига киритишнинг аниқ мезонларини белгилайди.

V. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

5.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланadi. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

5.2. Жамиятнинг устав капитали Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

5.3. Жамият устав капиталининг миқдори **108 955 938 720** (бир юз саккиз миллиард тўққиз юз эллик беш миллион тўққиз юз ўттиз саккиз минг етти юз йигирма) сўмни ёки **24 012 111,80** (йигирма тўрт миллион ўн икки минг бир юз ўн бир доллар саксон цент) АҚШ долларини ёки **19 570 224,60** (ўн тўққиз миллион беш юз етмиш минг икки юз йигирма тўрт евро олтмиш евро цент) евро ни ташкил қилади ва номинал қиймати **3 280** (уч минг икки юз саксон) сўм бўлган **33 198 274** (ўттиз уч миллион бир юз тўқсон саккиз минг икки юз етмиш тўрт) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан ва **20 000** (йигирма минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.

а) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

5.4. Жамиятнинг устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.5. Кўшимча акциялар эълон қилинган Жамият уставига белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

5.6. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори номинал қиймати **3 280** (уч минг икки юз саксон) сўм бўлган **5 953 566** (беш миллион тўққиз юз эллик уч минг беш юз олтмиш олти) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

5.7. Жамиятнинг устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.8. Жамиятнинг устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитални ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5.9. Жамиятнинг устав капиталини унинг ўз капитални ҳисобидан кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг капитални кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматиға мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

5.10. Жамиятнинг устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий ва имтиёзли акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш нархи (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш), акциялар учун тўлов тартиби, амалга олмаган деб топиш улуши ва амалга олмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

5.11. Жамиятнинг устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

б) Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

5.12. Жамиятнинг устав капитални акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.13. Жамиятнинг устав капиталини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

5.14. Жамият устав капиталини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият устав капиталининг Жамият уставидаги тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, қонунчиликда ёки бошқа лицензия талабларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

5.15. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.16. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5.17. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан Жамият устав капиталини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

5.18. Акциядорлар умумий йиғилишининг акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларни олиш йўли билан Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қабул қилинган қарори асосида Жамият томонидан олинган акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

5.19. Акцияларни олиш тўғрисидаги қарорда олинмаган акцияларнинг турлари, Жамият оладиган ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, акцияларни олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда олиниши белгилаб қўйилиши керак.

Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида Жамият тасарруфига ўтган акциялар улар Жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Жамиятнинг акциялари турига кўра оддий ва имтиёзли акциялар ҳисобланади.

6.2. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

6.3. Жамиятнинг оддий акциялари овоз берувчи акциялар бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

6.4. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек Жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига Жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

6.5. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ва имтиёзли акция жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

6.6. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

6.7. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

6.8. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

6.9. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

6.10. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

6.11. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.12. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

6.13. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

6.14. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек Жамият уставида дивиденд

миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.15. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

6.16. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

6.17. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

6.18. Жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, имтиёзли акциялар номинал қийматининг 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида имтиёзли акцияларнинг эгаларига дивиденд тўланади. Жамият тугатилган тақдирда имтиёзли акциялар бўйича тугатилиш қиймати имтиёзли акция номинал қийматининг 100 (бир юз) фоиз миқдорини ташкил этади.

6.19. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда Жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Жамият томонидан Жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

6.20. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

6.21. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

6.22. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

6.23. Жамиятнинг дивидендларни тўлашга доир чекловлари:

- Жамият устав капиталининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;
- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
- агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

6.24. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

6.25. Жамиятнинг ҳайрия ва бошқа беғараз ёрдам кўрсатишга қаратилган йиллик ҳаражатлари ўтган йил соф фойдасининг 10 фоизидан ошмаслиги шарт ва бу ўтган ҳисобот йилининг бизнес режасида кўрсатилган соф кўрсаткичи бажарилган ҳолдагина амалга оширилади.

VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

7.1. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

7.2. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Жамият устав капиталининг бир фоизидан ошмаслиги лозим.

7.3. Жамият томонидан акцияларни жойлаштириш қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қимматли қоғозлар чиқарилишининг шартларига мувофиқ амалга оширилади.

7.4. Жамият томонидан Жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

7.5. Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади. Жамиятнинг акциялари ҳужжатсиз шаклида чиқарилади.

7.6. Акциялар очик обуна йўли билан жойлаштирилганда эмитент қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабарни рисолада мавжуд маълумотлардан манфаатдор исталган шахснинг ушбу маълумотлардан фойдаланиш тартибини кўрсатган ҳолда нашр қилиши шарт. Бунда, қимматли қоғозлар кўшимча чиқарилишини қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар нашр этилганидан кейин камида икки ҳафта олдин жойлаштириш тақиқланади.

7.7. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

7.8. Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

7.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Жамият жойлаштирилган акцияларни йириклаштиришга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Жамиятнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади.

7.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамият жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Жамиятнинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади.

7.11. Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жойлаштирилган акцияларини устав капитали миқдорини ўзгартирмаган ҳолда худди шу типдаги акцияларнинг янги чиқарилишини амалга ошириш йўли билан майдалашни ёки йириклаштиришни ўтказиши мумкин.

7.12. Акциялар майдаланган ёки йириклаштирилган тақдирда қасрий акцияларнинг пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.

7.13. Жамият акциядорларининг сони чегараланмаган.

7.14. Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар эркин айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

7.15. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайта сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

VIII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Жамият акциядорлари кўйидаги ҳуқуқларга эга:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- Инвестиция воситачисидаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурталаш.

8.2. Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8.3. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар қонун ҳужжатларига ва мазкур уставга мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

8.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

8.5. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайдан эътиборан ўтади.

8.6. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас, амалдаги қонунчиликда ва ушбу уставда кўзда тутилган айрим масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

8.7. Жамиятнинг имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлган акциядорларга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва оддий акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади.

8.8. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

➤ Мазкур уставда ва қонунчиликда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлашга;

➤ Мазкур уставда назарда тутилган чегараларда, Жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсунушга;

➤ Жамиятнинг махфий тусда бўлган ахборотларини ошкор қилмасликка.

Акциядорлар мазкур уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

8.9. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида;

жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида;

қонун ҳужжатларига мувофиқ жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим (бундан буён матнда йирик битимдеб юритилади) тузиш тўғрисида;

жамиятнинг уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир. Ўзларига тегишли акциялар жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати овоз бериш натижасида ушбу Қонунга мувофиқ акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин бўлган масалалар кун тартибига киритилган

акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган жамият
акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

8.10. Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг
бозор қиймати бўйича амалга оширилади, бу қиймат жамиятнинг акцияларни
қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўладиган
ҳаракати натижасида қийматнинг ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

8.11. Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар
у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50
фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни
бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида
эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги
ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган
тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни
сотиб олиши шарт.

8.12. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига
эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан
кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун
тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш
комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган
тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

8.13. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига
эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг кузатув кенгаши мажлисини
чақиришни талаб қилишга ҳақли.

IX. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИ

9.1. Жамият устав капиталининг 25 (йигирма беш) фоизидан кам бўлмаган
миқдорда захира фонди ташкил этилади.

9.2. Жамиятнинг захира фонди ушбу уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар
соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар
йилги ажратмаларнинг миқдори Жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига
қадар соф фойданинг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаслиги керак.

9.3. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда,
Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини
муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва
Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Жамиятнинг
захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

9.4. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

9.5. Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни (ривожланиш фонди, суғурта фонди ва бошқа) конун ҳужжатларига мувофиқ тарзда ташкил этиш ҳуқуқига эга. Ушбу фондларни ташкил этиш тўғрисидаги низомлар ва уларни тасдиқлаш тўғрисидаги қоидалар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

9.6. Жамият ўзи томонидан қабул қилинган суғурта мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун ҳам сўмда, ҳам чет эл валютасида тўланган суғурта мукофотларидан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги белгилайдиган тартибда ва шартларда суғурта захираларини шакллантиради, ҳамда жойлаштиради.

X. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

10.1. Жамият бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Жамият Бошқаруви) ҳисобланади.

XI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

11.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

11.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

11.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамият Бошқаруви Раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётганчора-

тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари, йиллик бизнес-режасини, Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш, Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш масалалари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

11.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

11.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;
- Жамиятнинг устав капиталини камайтириш;
- ўз акцияларини олиш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

- Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш;
- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусидаги йирик битимлар ва Жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;
- жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, ахборот сиёсати тўғрисидаги, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомларини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) ваколатини Кузатув Кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;
- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

11.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

11.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонунчилик ва ушбу уставда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

11.8. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади. Бошқарув Раисини тайинлашда овоз беришда Жамият акциядорлари номидан иштирок этаётган бошқарув аъзолари овози инобатга олинмайди.

11.9. Мазкур уставнинг 11.5. бандининг 1,2,3,5,13 ва 22 хатбошиларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

11.10. Йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

11.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

11.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

11.13. Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

11.14. Жамият акциядорларининг реестрига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди, мазкур реестр шакллантирилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни шакллантиришда йўл қўйилган хатолар тузатилган ҳоллар бундан мустасно.

11.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан олдин камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

11.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда куйидагилар кўрсатилиши керак:

- Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

11.17. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Жамият Кузатув кенгашининг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги устави лойиҳаси киради. Жамият умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиш имконини беради.

11.18. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши

ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кундан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

11.19. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

11.20. Жамият Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

11.21. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кундан кечиктирмай юборилади.

11.22. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан йигирма бир кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

11.23. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

11.24. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

11.25. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

11.26. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг

(акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

11.27. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

11.28. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

11.29. Жамиятнинг тафтиш комиссияси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

11.30. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

11.31. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

11.32. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 (қирқ) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

11.33. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

11.34. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

11.35. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш, овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгаши томонидан қақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

11.36. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

11.37. Овоз бериш яқунлари бўйича санок комиссияси овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва санок комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

11.38. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

11.39. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

11.40. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

11.41. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

11.42. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

11.43. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

11.44. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар йиғилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади. Жамият акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар бўйича овоз бериш яқунлари қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида эълон қилинади. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

11.45. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг кўмитаси ташкил этилиши мумкин.

11.46. Миноритар акциядорлар кўмитасини ташкил қилиш бўйича акциядорлар умумий йиғилишига таклиф, миноритар акциядорлар кўмитаси аъзоларига номзодлар биргаликда ҳаракат қилиш учун шартнома имзолаган Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар томонидан жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай қонунчиликда белгиланган тартибда киритилади.

Миноритар акциядорлар кўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

Миноритар акциядорлар кўмитасининг таркибига жамиятнинг директори, бошқарув аъзолари, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчиси этиб) сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар киради:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

Миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муурожаатларини кўриб чиқиш;

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида муурожаатлар киритиш;

Қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларининг сони уни ташкил қилиш бўйича кун тартибига масала киритилган акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

11.47. Миноритар акциядор томонидан ҳужжатларни асосиз равишда талаб қилиш, жамият томонидан махфий ахборотлар, тижорат сирлари сифатида таснифланган ахборотларни асосиз талаб қилиш, уларни ошкор қилиш орқали Жамият Бошқаруви фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки Жамият манфаатларига зарар етказиш мумкин эмас.

ХII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

12.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

12.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилишитомонидан бир йил муддатга сайланади. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 (тўққиз) кишидан иборат, шундан камида 2 (икки)таси мустақил аъзо бўлиши мумкин.

12.3.Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

12.4. Жамият бошқаруви аъзолари, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар

бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

12.5. Айти шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

12.6. Агар жамият акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган тақдирда кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг жамият устав капиталидаги улуши устун бўлганда номзод кўрсатиш ҳамда кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилади.

12.7. Корпоратив бошқарув Кодексида ҳамда қонунчиликда акс эттирилган мустақил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган Кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси –йирик акциядорлар томонидан келишилган ҳолда тавсия этилади ва сайланади. Жамият Кузатув Кенгашига мустақил аъзо сифатида киритиладиган номзодлар корпоратив Бошқарув Кодекси талабларига тўғри келиши лозим. Жамият Кузатув Кенгашига устав капиталидаги давлат улуши бўйича кузатув кенгаши аъзолари сифатида тайинладиган шахслар акциядорлар умумий йиғилиши ўтиш кунда Корпоратив бошқарувчи малака аттестатига эга бўлишлари шарт, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

12.8. Қуйидаги шахс кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

- сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларида ишламаган шахс;
- жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;
- жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик миждози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси миждоз ва етказиб берувчи билан энг кам иш ҳақининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик миждоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;
- жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;
- жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахсининг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахсининг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси),

фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўғай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

➤ давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

12.9.Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун Жамият кузатув кенгаши аъзолари орасидан кўмиталар ташкил этилиши мумкин.

12.10.Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият фақат мазкур жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит кўмитасини ташкил этиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати, агар бундай хизмат мавжуд бўлса, ўз фаолиятида аудит кўмитасига ҳисобдордир.

12.11. Кўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади.

12.12. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

➤ Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

➤ акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини қақариш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

➤ акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

➤ акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

➤ акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

➤ Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

➤ мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

➤ Жамиятнинг Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

➤ Жамият томонидан Корпоратив қонунчилик, Корпоратив бошқарув кодексига риоя этилишини назорат қилиш бўйича Кузатув кенгашига ҳисобдор корпоратив маслаҳатчини шартнома асосида тайинлаш, унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш ва ҳар чоракда унинг ҳисоботларини тинглаб бориш;

- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари очиш ҳамда уларнинг низомларини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- аввал рўйхатдан ўтказилган эмиссия рисоласи ва акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва тасдиқлаш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш.
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
- Жамият ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш, ҳукумат топшириқлари бундан мустасно;
- Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича кўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш.

12.13. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонунчиликга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

12.14. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

12.15. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

12.16. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

12.17. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

12.18. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

12.19. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляциясига рухсат бериш ваколатига эга.

12.20. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

12.21. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижроия органи аъзосининг, Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) ёзма талабига кўра, шунингдек жамият уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

12.22. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказишга кворум мавжуд бўлиши учун мажлисда иштирок этаётган Кузатув кенгаши аъзоларининг сони жами сайланган аъзолар сонининг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида 75 (етмиш беш) фоизи иштирок етганида қонуний ҳисобланади.

12.23. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

12.24. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

12.25. Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар

киритиш ҳақидаги қарорлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

12.26. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

12.27. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

12.28. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

12.29. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади ва Кузатувкенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

12.30. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

12.31. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Мажлисида Кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

12.32. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

12.33. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлабиш тутишлари лозим.

12.34. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

12.35. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

Жамият Кузатув кенгаши ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу устав ва акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширади.

ХIII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

13.1. Жамият Бошқаруви ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

13.2. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари томонидан ушбу устав ва шартномаси шартлари қўпол равишда бузилса, уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган зарарлари сабабли улар билан тузилган шартнома Жамият Кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

13.3. Жамият Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

13.4. Жамият Бошқаруви 7 (етти) нафар аъзодан иборат бўлиб, унинг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

13.5. Жамият Бошқаруви таркибига Бошқарув раиси ва унинг қолган аъзолари киради.

13.6. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

13.7. Жамият Бошқарув аъзолари Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир йиллик муддатга сайланади (тайинланади).

13.8. Жамият ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбарлар, шунингдек, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

13.9. Бошқарув аъзолари ва Бошқарув раиси билан шартномаларни Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси ёки Жамият Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

13.10. Жамият Бошқаруви аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак. Тузиладиган шартноманинг шартлари Жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

13.11. Жамиятнинг Бошқарув раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

13.12. Жамиятнинг Бошқарув раиси билан тузиладиган шартномада уларнинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

13.13. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

13.14. Жамият Бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда ўтказилади.

13.15. Жамият Бошқарувининг мажлисини ўтказишга кворум мавжуд бўлиши учун Жамият Бошқаруви аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши керак. Жамият Бошқарувининг қарори мажлисда иштирок этаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

13.16. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзосибитта овозга эга. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Жамият Бошқаруви йиғилишигараислик қилувчининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

13.17. Жамият Бошқарувининг мажлисида баённома юритилади. Жамият Бошқаруви мажлисининг баённомаси Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг аъзолариталабига кўра берилади.

13.18. Жамият Бошқарувининг ваколатлари қўйидагилардан иборат:

- Жамиятнинг кундалик фаолиятида бошқариш самарадорлигини ташкил этиш;
- суғурта қоидалари, суғурта шартномалари (полислари)ни ва Жамиятнинг бошқа меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг иш режалари, акциядорлар умумий йиғилишининг ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини таъминлаш;
- филиаллар томонидан тузиладиган суғурта шартномалари бўйича олиниши мумкин бўлган суғурта жавобгарлигининг чегаравий миқдорини белгилаш;
- филиаллар томонидан мустақил равишда ҳал этилиб, тўланиши мумкин бўлган суғурта товон (пул)лари чегаравий миқдорларини белгилаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестиция фаолиятини юритиш;
- баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиқ бўлмаган мол-мулкни сотиш ёки сотиб олиш билан боғлиқ битим тузиш тўғрисидаги (агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса) масалаларни зарур ҳолларда кўриб чиқиш;
- Жамият фаолиятига доир акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва бошқарув раиси ваколатига киритилмаган масалар бўйича қарор қабул қилиш ва ички меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг Бошқаруви қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13.19. Жамият Бошқарувининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;
- Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали фаолият юритишини таъминлаш;
- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улармеҳнатининг муҳофаза қилинишини таъминлаш;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Жамият Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;
- дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият фаолиятига оид ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- Жамиятнинг Бошқаруви, қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13.20. Жамият Бошқарувининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- қонунчиликка, мазкур устав ва меҳнат шартномасига асосан ўзига тегишли ваколатларга мувофиқ, мустақил равишда Жамиятнинг жорий фаолиятида раҳбарлик қилишда туғилган барча саволларни ҳал этиш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, ҳамда унинг манфаатларини бошқа ташкилотлар ва органлар олдида ҳимоя қилиш;
- Жамиятнинг Бошқаруви, қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва Жамиятнинг ичкиҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13.21. Жамият Бошқарув раисининг ваколатлари қўйидагилардан иборат:

- ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- ўз ваколоти доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимлар (умумий қиймати қарор қабул қилинган санада Жамият соф активларининг 15 фоизигача ташкил этадиган битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир қанча битимлар) тузиш;
- Жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;
- Жамият филиаллари, ваколатхоналари, шўъба ва тобе хўжалик жамиятларининг ишини мувофиқлаштириш;
- шўъба ва тобе хўжалик жамиятларининг штат жадвалини тасдиқлаш;
- филиаллар ва ваколатхоналарнинг ҳаражатлар прогнозини тасдиқлаш;
- филиаллар ва ваколатхоналар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;
- филиаллар ва ваколатхоналар раҳбарлари ўринбосарларини ва бош ҳисобчиларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;
- Жамият шўъба хўжалик жамиятлари, ваколатхоналари ва филиаллари, Жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш, кўрсатмалар ва топшириқлар бериш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, барча мулк шаклларидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Жамият бошқаруви аппарати ходимлари, филиаллар ва ваколатхоналар штат жадвалини кузатув кенгаши томонидан белгиланган Жамият ходимларининг чекланган миқдори ва тузилмаси доирасида тасдиқлаш;
- банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очиш ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
- ўзининг ваколатлари доирасида мижозлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан шартномаларни имзолаш ва турли битимлар тузиш;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- суғурта товони (пули) тўланишига рухсат бериш ва рухсат бериш тартибини белгилаш;
- Жамият Бошқаруви раиси, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13.22. Жамият Бошқарув раисининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тўғри ташкил этиш;
- йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сир сақлаш;
- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;
- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамият Бошқаруви раиси, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13.23. Жамият Бошқарув раисининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;
- уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;
- Жамият Бошқаруви раиси қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13.24. Жамиятнинг тижорат сирини тоифасига киритилган ахборот билан Жамиятда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик Жамият Бошқарув раиси томонидан белгиланиши мумкин.

13.25. Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

13.26. Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

13.27. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

Жамият Бошқаруви мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Жамиятнинг Бошқаруви тўғрисидаги низом асосида иш олиб боради.

XIV. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ, ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ, АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ВА КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ

14.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади. Жамият тафтиш комиссияси 3 (уч) кишидан иборат.

14.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айти бир Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

14.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

14.4. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айти шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

14.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

14.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

➤ Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончилигига доир баҳо;

➤ бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

14.7. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

14.8. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатларига қуйидагилар киради:

➤ ёзма талаб асосида амалдаги қонунчиликга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш;

➤ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кун тартибига масалалар киритиш;

➤ Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш;

➤ Жамият Бошқаруви мажлисининг баённомасини талаб қилиш;

➤ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалалар.

14.9. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари амалдаги қонунчилик ва мазкур устав билан белгиланади.

14.10. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

14.11. Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

14.12. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

14.13. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятга 50 фоиздан зиёд улуши юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

14.14. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

14.15. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

14.16. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади. Жамият кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин. Жамият корпоратив маслаҳатчиси жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида фаолият юритади.

XV. ЖАМИЯТНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ, ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ, ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

15.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

15.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

15.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг йиллик ҳисоботи кўриб чиқилади.

15.4. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

15.5. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этадиган молиявий ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилотитомонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

15.6. Жамият:

- Жамиятнинг уставини, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартириш ва қўшимчаларни, Жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;
- Жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;
- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини;
- эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;
- акциялар эмиссияси рисоласини;
- бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;
- тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;
- Жамият акциядорлари умумий йиғилишларининг, Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва Бошқаруви мажлисларининг баённомаларини, шунингдек Жамият Бошқаруви раисининг буйруқларини;
- Жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатларини;
- Жамият акциядорларининг реестрларини;
- Жамият тафтиш комиссиясининг, аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

XVI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

16.1. Жамиятнинг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, шунингдек акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

16.2. Мазкур устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

16.3. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Жамият Кузатув кенгаши томонидан Жамият уставига киритиладиган барча

ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

16.4. Жамиятнинг уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги устави давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан учинчи шахслар учун кучга киради.

16.5. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

16.6. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

“Ўзагросуғурта” АЖ

Бошқаруви раиси
